

# **БУХОРО МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИНИНГ ТАРИХИЙ-НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**Республика илмий-назарий анжуман материаллари**

**2020 йил 6 ноябрь**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БУХОРО МУСИҚА  
ФОЛЬКЛОРНИНГ ТАРИХИЙ-  
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ  
МАСАЛАЛАРИ**

Республика илмий-назарий анжуман материаллари

2020 йил 6 ноябрь

БУХОРО – 2020

**IV ШУЪБА.**  
**САЪЪАТ ВА МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ**  
**МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ**

ПОГОРЕЛОВА Н.В., ТЕЛЬНИКОВ И.	Формирование социокультурной компетентности студентов в условиях профессиональной социально-культурной деятельности	140
Ю.ДАШЕВА М.Б.	Особенности арт-рынка как социально-культурного явления	147
МУСТАФОВ Ш.Н.	"Беш муҳим ташаббус" доирасида санъат педагогикасидан фойдаланишнинг педагогик-психологик имкониятлари	150
МУСТАФОВ Б.	Ўқувчи - ёшлар мусика маданиятини тарбиялашда ислохотларнинг аҳамияти	153
БОГДАН С.В.	Социокультурный капитал как объект маркетинговой деятельности	156
ШВАЙГЕРТ Р.А.	Этнокультурный центр как механизм сохранения национальных традиций	162
НАМРОҚУЛОВ Н.В.	Boshlang'ich sinf musiqa darslarida bolalar folklor qo'shiqlarini o'rgatish muammo sifatida	165
ЩЕЛКАНОВА М.А.	Технологии продюсирования культурно-образовательных услуг	167
СПИЦЫНА А.А.	Потенциал некоммерческих организаций в культурном развитии общества	171
АРХИПОВА И.А.	Формирование зрительской культуры старшеклассников в условиях творческого объединения	175
САВЕНКО С.В.	Знак в контексте культуры делового общения	179
КОСТИНА А.С.	Народная танцевальная культура основа эстрадной хореографии (на примере творчества Тамараханум)	182
ҚУРВОНОВ Қ. Ҳ.	Yoshlar tarbiyasida musiqa san'atining o'rni	184
МАЛІТОВ Ш.	XVI-XIX asrlar musiqachi-shoirilarida moziy sadolarining taralishi	187
САҲІДОВ В.Қ.	Mumtoz ashula ijrochiligida yo'l qo'yilayotgan vazn muammolari	189

**V ШУЪБА.**  
**ЎЗБЕК МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИ ЭСТЕТИК ТАРБИЯ**  
**ВОСИТАСИ**

ДУСТОВ С.	Халқ кўшиқларининг тарбиявий аҳамияти.	193
РАХИМОВ Н.Н., ЮЛЯХШИЕВ Ш.Н.	Маънавий-маърифий ва мусиқий тадбирларнинг талабалар эстетик тарбиясидаги ўрни	197
АЗИЗОВ Р., РАШИДОВА Н.	Музыкально - эстетическое воспитания школьников на уроках музыки в школе	200
СОХИБОВ А.И.	Мусика дарслари эстетик тарбия воситаси	203

## V ШҶЪБА.

# ЎЗБЕК МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИ ЭСТЕТИК ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

### ХАЛҚ КЎШИҚЛАРИНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.

*Дўстов С., БухДУ доценти, п.ф.и.*

Мусиқа инсон хиссиётига кучли таъсир эта олиш хусусиятига эга бўлиб, нафосат тарбиясининг муҳим манбаидир. Мусиқа кишилар ҳаётини, уларнинг борлиққа бўлган муносабатларини, турли хил ички кечинмаларни мусиқий товуш бўёқлари орқали бадний образлар воситасида ёркин намоён қилади. У узининг гоъвий-бадний мазмуни билан ёш авлодни халқимизнинг утмиши ва бугунги ҳаётини теган англаш, миллий қадриятларимизни қардлаш ва хурмат қилишга ургатишга муҳим омидир. Шунингдек, у киши руҳини ва фикрини юксалтиради, шахсни руҳан поклайди ва бойитади. Қадимги Юнонистон мутафаккирлари Платон ва Аристотель ҳам ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашда мусиканиннг ўрнига алоҳида аҳамият берган.

Шунингдек, Шарқ мусикашунослик илмининг асосчиси, унинг ривожига ўзининг муносиб хиссасини қўшган серқирра ижодкор, мутафаккир Абу Наср ал-Фаробий ҳам шахснинг маънавий қамолоти учун муҳим бўлган ахлоқ – одоб тарбияси билан бирга мусиқа тарбияси билан ҳам шугулланиб, ушбу тарбияларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб бориш гоъси унинг диққат марказида бўлган. Зеро, мусиқа сеҳрининг ижобий таъсири, тарбиявий аҳамияти боланиннг юриш-туриши, ҳатти-ҳаракати, инсонга ва табиатга муносабати яққол намоён бўлади.

У ўз асарларида ёш авлодни тарбиялаш ва таълим бериш масалаларига салмоқли ўрин ажратган. Энг аввало, мусиқа шахсни ахлоқий сифатларини шакллантиришдаги ижобий хусусиятларини алоҳида таъкидлаб, шундай ёзади: “мусиқа шу маънода фойдалики, кимнинг феъл-атвори мувозанатини йўқотган бўлса, тартибга келтиради, қамол топмаганларни қамолга етказди ва мувозанатда бўлганларнинг мувозанатини сақлайди.....”. Унинг маърифатпарварлик гоълари асосида мусиканиннг инсон ҳаёти давомидаги аҳамиятини алоҳида қайд этиб, “Эй мусиқа олами, яхшиямки, сен борсан, агар сен бўлмаганингда инсоннинг аҳволи не кечар эди”, - деб хитоб қилади.

Шарқ мусиқа илмида янги давр очган буюқ қомусий олимларнинг яна бири Абу Али ибн Сино ҳам мусиканиннг шахсни маънавий тарбиясига таъсир этувчи қудратли восита сифатида хусусиятни муносиб баҳолаган. У “Боланиннг ёшлигидан бошлаб мусиқий хиссиётни тарбиялаш муҳим – бу ҳа унинг рухий ҳолатини мустаҳкамлайди”, деган гоъ унинг тарбиясида алоҳида ўрин тутган.

Ибн Сионинг мусиқий-педагогик, психологик қарашларидаги

эътиборли жихати мусиканинг инсон фаолияти махсули, бола тарбиясида зарурий омил сифатида эътироф этилишидир. Гўзаллик оламини, мусиканинг моҳиятини теран англаган улуг аллома "Гўзалликни инсон сезги воситалари - кўриш, эшитиш, хидлаш, там билиш, ушлаб кўриш орқали билиб олади, гўзалликни сезади, ундан лаззатланади", деб таъкидлайди.

Абдурахмон Жомийнинг таълим-тарбия хусусидаги карашларида ҳам мусикий тарбия муносиб урин эгаллаган, унинг гоъларида инсоннинг рухий-маънавий камолотида мусиканинг тарбиявий ахамияти эътироф этилиб, шахс дунё караш, ахлоқ-одоби, ижобий фазилатлар такомиллашув омиллари ана шу санъат моҳияти билан боғланади.

Мир Алишер Навоий эса аклий, ахлокий ва нафосат тарбияси-инсоннинг энг гузал фазилатларидан эканлигини баён этиб улардан хар бир киши бахраманд булмоги лозимлигини такидлаб утган. Мусиканинг назарий асосларини билмай туриб, яхши шоир булиш мумкин эмаслигини такрор-такрор уқтирган, хуллас, буюк мутафаккир ижодий меросида ёшлар мусика таълим тарбиясига доир, ёш авлод маънавий камолоти учун муҳим булган илгор гоъларни куплаб учратиш мумкин.

Улар мусикани нафақат инсон рухий ва жисмоний камолотига самарали таъсир этувчи восита, балки ўз моҳияти билан жамиятдаги вазифасига кўра алоҳида бир фан сифатида тадқиқ этишган. Даврлар утиб илгор гоъ ва фикрлар, бой тажрибалар, мусикий таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этилиб, унинг миллий асосларини ривожлантиришга хизмат килди. Афсуски, бизлар шурулар даврида укувчиларнинг мусика тарбиясига доир мавжуд булган кадимги ёзма ёдгорликлардан, угитлардан, тажрибалардан, синаб келинган воситалардан, авлоддан-авлодга утиб келаётган миллий кадриятлардан бебахра колдирдик. Халқ кушиклари, миллий мусикамизни "Бир овозли содда тури", "Колок маданият махсули" сифатида назардан четда колдириб, гудак шуурида сингиб кетувчи аллаларни унутдик.

Истиклол шарофати туфайли мусика маданияти фанидан уқитиш концепцияси, Давлат таълим стандарти ва янги укув дастурлари яратилди. Уз мазмун моҳияти билан миллий мусика мероси асосида ишлаб чиқилган мазкур дастур замон рухига мослаштирилди.

Эндидикда миллий мусика меросларидан укув тарбия жарайонида тулаконли фойдаланиш имконияти пайдо булди. Бугунги кунда донишмандларимизнинг мусикий-маърифий гоълари, миллий мусика таълим-тарбияси тизимини таркиб топтириш ва амалга оширишда назарий асос ҳамда устувор йуналиш булиб хизмат килмокда.

Халқ кўшиқлари, мумтоз ва замонавий мусика инсоннинг рухий дунёсини қайта тиклашга, ҳаётда учрайдиган тўсиқларни сингиб ўтишга ёрдам бериши билан бир қаторда, табиат гўзаллиги, халқлар турмуши ҳақида тасаввур ҳосил килишга кўмаклашади.

Фольклорнинг бошқа турлари каби халқ кўшиқлари ҳам ўзининг

жумладан, тушунтириш, суҳбат, хикоя, савол-жавоб каби методлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир мусликий асарни ўрганишда шу асар қайси миллатга мансуб эканлигини англаб, асарнинг хусусияти, гоъвий ва бадий мазмуни ўша халқнинг урф-одатлари, маданияти тўғрисида муслика ўқитувчисининг қисқача қизиқарли кириш сўзи ўқувчиларда шу асарга нисбатан ижодий муносабатни кучайтиради.

Халқ муслиқаси давр ойнасидир. Чунки у яратилган даврнинг моҳиятини, халқнинг эркинлик учун курашларини, бахт саодат йўлидаги орзу истакларини сўз ва мусликий оҳанглар орқали намоён қилади. Бу эса халқ муслиқасининг ўзинга хос хусусияти эканлигидан далолат беради.

Ҳозирги замонавий кўшиқларимиз эса ўқувчиларни бепаён ватанимизга чексиз муҳаббат, халқимизга ҳамжихатлик, дустлик ва инсонпарварлик туйғуларни тарбиялайди. Халқимиз қахрамонлари тўғрисида қуйланадиган ҳар бир кўшиқ эса ўқувчилар қалбида урушга нисбатан нафрат уйғотади. Муҳнатни улугловчи кўшиқлар ўқувчилар қалбида қатор ижобий фазилатларни тарбиялай, улан ижроси учун мос бўлган классик муслиқамизнинг энг сара намуналари эса гузалликни хис этиш қобилиятини устиради, ижрочилик маҳоратини ривожлантиради ҳамда маънавий оламини устириб боришга хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бошланғич синфларда ўқувчилар муслика жанрлари ва унинг хусусиятлари тўғрисида жуда оз маълумотга эга. Юқори синфга ўтганларида уларга муслика санъатининг хусусиятлари, ундаги оддий ва оммавий жанр турлари тўғрисида маълумот бериб, халқ муслиқаси билан композиторлар ва бастакорлар яратган профессионал муслиқанинг бир-биридан фарқини айтиб, халқ муслиқаси узоқ тараккиёт тарихига эга бўлиб, ёрқин, раван, содда оҳангда мунгли ва хушчақчақ усулларда жаранглашини тушунтириб бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бир қаторда ўқувчиларга халқ кўшиқларини ўргатиш орқали кўшиқлар мазмунидаги ахлоқ-одоб, панд-насихат, ватанга, халққа муҳаббат, миллатимизга хос бўлган ҳаё, ибо, андишалик, муомала маданиятига оид инсонийлик фазилатларини сингдириб боришни тақозо этади. Шу билан бир қаторда ўқувчиларнинг халқ муслика ижодига бўлган қизиқишини, муҳаббатини ва меҳрини янада орттириш учун ўқитувчи қуйидаги фикр ва тавсияларга эътибор берса, жумладан:

- ўзбек халқ муслика ижоди турли ифода воситаларига бой бўлиб, халқимизнинг миллий ғурур ва ифтихори эканлиги тўғрисида;

- асрлар давомида халқимизнинг яшашида, меҳнатида туй томошаларида, сайлларда ва қувончли кунларида, ҳамда ижодида асосий омил бўлиб хизмат қилганлиги;

- халқ кўшиқларида халқнинг бошидан кечирган тарихий воқеаларни тўғрисида маълумотлар берилгандагина, дарс самарадорлиги анча юқори савияда бўлади.

Ўқувчилар ўзбек халқ қуй ва кўшиқларини қуйлаб, тинглаб идрок

асосида, шу аснода орттирган билим, малака, кўникма ва тажрибалари бошқа миллат халқларининг кўшиқларини тинглаганда уларга меҳр билан қарашади. Шу билан бир қаторда композитор ва бастакорлар томонидан яратилган барча жанрдаги мусиқий асарлардан ҳам намуналар тингланса ўқувчиларнинг олган билим ва малакалари кенгайди, мустаҳкамланади ва яхши тассуротларга эга бўлади. Натижада, ўқувчилар профессионал мусиқа билан халқ мусиқаси ўртасидаги фарк тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлади. Шунинг билан бирга турли миллатлар ва жаҳон классик мусикаларини тинглаб идрок этиш учун замин тайёрланади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, халқ кўшиқлари ҳамма жойда узига хос кузгу сифатида авлоддан-авлодга утиб келган ва ёш авлодни миллий тарбиямиз асосида ота-онага бўлган ҳурматни, устозга бўлган меҳру оқибатни, она Ватанга бўлган садоқатни, хаётга тўғри юришни, инсоний фазилатларни янада чуқурроқ хис этишни ўргатишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

### Адабиётлар

1. Президент Ш.Мирзиёевнинг Шахрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш маросимидаги нутқи, Т., Халқ сўзи газетаси, 2018 йил 7 сентябрь.

2. Ўқувчиларда мусиқий – нафосат тарбиясини шакллантириш йўллари. Тошкент, 1992 йил, 92 бет.

3. Ўрта (V-VII) синфларда мусиқа маданияти дарслари учун методик қўлланма. Тошкент, 2001, 89 бет.

### МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ВА МУСИҚИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ТАЛАБАЛАР ЭСТЕТИК ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

*Рахимов Н.Н., Юляхшиев Ш.Н.,  
Гулистон давлат университети*

Ҳозирги кунда барча зиёлиларнинг вазифаси жамиятнинг барча қатламларида у хоҳ спорт соҳасида бўлсин, хоҳ иқтисодий дипломатик алоқаларда бўлсин, хоҳ санъат соҳасида бўлсин барча – барчасида ўзбекона, ўзлигимизга хос ва мос бўлган маънавиятни шакллантиришдир. Инсон маънавий тараққиётини мусиқий маданиятсиз тасаввур қила олмайди. Инсоният тарихида ўчмас из қолдирган барча алломалар ҳам мусиқа санъатининг бой имкониятлардан тўла фойдаланиб, санъат орқали маънавий камолот чўккиларини забт этишга муваффақ бўлганлар. Аждодларимиз мусиқа санъатининг инсон шахсини камол топтиришда олийжаноб инсоний фазилатларни тарбиялашдаги аҳамиятига юксак баҳо берганлар. Қадимги дунё донишманди Аристотел ҳам ўзининг «Сиёсат» номли асарида тарбия масаласига фалсафий нуқтаи назардан ёндашиб, бунда мусиқанинг ролини алоҳида таъкидлаб ўтади. «Мусиқа қалбга маънавий рухий таъсир ўтказишга қодир. Модомики мусиқа шундайин